

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

Шамурадов Бахтиёр Туракулович

**“Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи
иқтисодий хавфсизлиги масаласи” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Ш.Алламуратов

Термиз – 2014

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлиги масаласи

М У Н Д А Р И Ж А

	Номланиши	бетлар
Кириш.....		
Биринчи боб. Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликнинг назарий асослари.....		
	1.1 Глобаллашувнинг умумий тавсифи ва иқтисодиётнинг глобаллашуви.....	
	1.2 Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизлик ва унинг моҳияти.....	
	1.3 Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизлик	
Иккинчи боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳолати.....		
	2.1 Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг қонуний асослари	
	2.2 Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омиллар.....	
Учинчи боб. Жаҳон молиявий инқирозининг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири.....		
	3.1 Жаҳон молиявий-иқтисодий архитектураси ўзгаришининг асосий тенденциялари.....	
	3.2 Ўзбекистон Республикасининг жаҳон молиявий инқирози оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг	
	3.3 Ташқи иқтисодий таҳдидлар, кўрсаткичлар ва чегаравий миқдорлар асосий белгилари	
Хулоса.....		
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....		
Иловалар		

Кириш

“Ривожланган экспорт қувватсиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти етилди”¹.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистон ўн саккиз йил мобайнида асрларга татигулик тарихий йўлни босиб ўтди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар эндиликда ортга қайтмайдиган жараёнга айланди. Бу, аввало, истиқлолнинг, уни мустаҳкамлаш, шунингдек, глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг миллий ва ташқи иқтисодий хавфсизлик ва тинчлиги учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг натижасидир. Дарҳақиқат, хавфсизлик ва тинчликка эришмасдан туриб, бирор эзгу мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак”¹ номли китоби билан танишганда кўнгилдан шу фикрлар ўтади, китобнинг қимматлилиги шундаки, унда муаллиф минтақавий хавфсизликни таъминлаш, террорчилик балосига қарши курашга жуда катта эътибор қараган. Бугунги кундаги юртимиз ташқи иқтисодий хавфсизлигига тўсқинлик қилувчи омилларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлиги долзарб масала эканидан далолат беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Глобаллашув жараёнлари ва иқтисодий хавфсизлик масалалари моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, ташқи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент “Ўзбекистон”—1998, --145 бет.

иқтисодий алоқалар стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик олимлар — Ж. Стиглец, Куруцкий А.Б., Ф.Фукуяма, С.Дятлов, К.Хорншильд, Л.Бляхман, Г.Киссинджер, З.Бжезинский, Ж.Бхагвати ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, глобаллашув жараёнлари ва уларнинг миллий иқтисодиётга таъсири ҳақида МДХ олимлари – Ерекешева Л.Г., Гулиев М., Спартака А.Н., Юдаева К., Ясин Е., Шишков Ю. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув муаммолари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи ва миллий иқтисодий хавфсизлик масалалари бўйича республикамиз иқтисодчи-олимлари Ишмухаммедов А.Э, Жалолов Ж.Ж, Тухлиев Н., Исаджанов А.А., ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлигининг қонуний асослари, хавфсизликни таъминловчи омиллар, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ва мамлакатимизда олиб борилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб беришдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- ◆ “Глобаллашув” ва “Иқтисодиётнинг глобаллашув” атамалари тавсифи;
- ◆ жаҳон хўжалигида глобаллашув тенденциялари кучайиб бораётган шароитда иқтисодий хавфсизлик ва унинг моҳиятин аниқлаш;
- ◆ глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизлик таҳлил қилиш;

- ◆ Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлигининг ҳолати, хусусан, ташқи иқтисодий фаолиятининг қонуний асослари ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омилларни аниқлаш;
- ◆ глобаллашув шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари таҳлил қилиш

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти этиб Ўзбекистон ташқи иқтисодий хавфсизлиги танлаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳолати ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ахборот баъзаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, халқаро иқтисодий ташкилотлар маълумотлари, соҳага оид миллий ва хорижий тилларда чоп этилган илмий-назарий ва услубий адабиётлар, бошқа матбуот нашрлари материаллари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва И.А.Каримов асарлари; маҳаллий дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари; МДҲ ва Европа давлатларидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва маъруза матнлари; маҳаллий, МДҲ ва Европа давлатлари монография, журналларидаги илмий мақолалар; халқаро анжуманлар материаллари ҳамда статистик тўпламлар, интернет янгиликлари, веб-саҳифалар хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат

статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари, Жаҳон Банкдан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш, ҳисоб-таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ◆ Глобаллашув ва ташқи иқтисодий хавфсизлик масаларларининг моҳияти очиб берилган;
- ◆ Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг қонуний асослари таҳлил қилинган;
- ◆ Ўзбекистон ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлови асосий омилар: экспорт ва хорижий инвестицияларнинг ўрни;
- ◆ экспорт таркибини девирсификация қилиш ва экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда корхоналарни ривожлантириш йўллари илмий-услубий ўрганилган;
- ◆ Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг мақсад ва вазифаларининг асосини очиб бериш;
- ◆ Ўзбекистон жаҳон молиявий инқирози оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар таҳлили;
- ◆ Ўзбекистон Республикасида 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти;

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишдаги илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлик фаолияти билан боғлиқ ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳамда “Ўзбекистон иқтисодиёти” ва “Иқтисодий хавфсизлик” фанларини ўқитиш жараёнларида қўлланилиши мумкин.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Киришда мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ўз аксини топган.

"Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликнинг назарий асослари" номли биринчи бобда аввало "глобализация" ва "иқтисодий глобаллашуви" тушунчасининг моҳияти очиқ берилиб, иккинчи ва учинчи қисмларда иқтисодий ва ташқи иқтисодий хавфсизлик баён этилган.

"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳолати" номли иккинчи боб икки қисмдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятининг қонуний асослари ва ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминловчи омиллар каби мавзуларини қамраб олган.

"Жаҳон молиявий инқирозининг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири" номли учунчи боб Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, АҚШнинг Питсбург шаҳрида "20 Гуруҳи" йиғилишининг фаолияти, шунингдек, мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олди.

Хулосада тадқиқотнинг натижалари умумлаштирилган, илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар тартиблаштирилган.

1 Боб. Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликнинг назарий асослари

1.1 Глобаллашувнинг умумий тавсифи ва иқтисодиётнинг глобаллашуви.

Глобаллашув атамаси биринчи бор 1960 йил Гиддинс томонидан фойдаланилган². Бу атама XX асрнинг 90-йилларигича деярли фойдаланилмаган. 1985 йилга келиб америкалик социолог Р. Робертсон «глобаллашув» атамасига тушунча берган³. Бу сўзга қуйидагича тариф бериш мумкин: Глобаллашув – Жаҳон хўжалиги ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, жуда кўп ижобий хусусиятларга эгадир: булар асосан турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқаси, хорижий сармояларни жалб қилиш, илм – фан техника технология ютуқлари алмашувини тезлаштириш ҳамда давлатларни илмий техникавий тараққиётига кўмаклашув билан тасдиқланади. Глобаллашув — бутунжаҳон иқтисодий сиёсий, маданий интеграция ва унификация (бир бирга яқинлашув) жараёнидир. Асосий хусусиятлари халқаро меҳнат тақсимооти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатларнинг маданиятининг қўшилиш ва яқинлашувидир. Бу объектив жараён бўлиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тизимли хусусиятга эга.⁴ Глобаллашувга қарши ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар глобаллашув натижасида юзага келадиган ва келаётган муаммоларни оқибати салбий деб эътироф этишади. Бундай ташкилот, уюшма, ҳаракатларга Green, АнтиДаос каби бир неча антиглобалистларни киритиш

² Шахрай С.М. Глобализация в современном мире: политико-правовые аспекты. – СПб : Фонд поддержки науки и образования в области правоохранительной деятельности «Университет», 2004. С.6

³ Что такая глобализация? По сайту <http://www.univer.omsk.su/omsk/socstuds/glob/index.html>

⁴ Глобализация ru.wikipedia.org сайтидан олинб таржима қилинди (таржима Усманов М.)

мумкин. Глобаллашув босқичига минтақалашув босқичини босиб ўтиш лозим.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотидаги асосий ривожланиш тенденциялари ҳақида чуқур билимга эга бўлмасдан туриб иқтисодий хавфсизлик муаммосини тадқиқот қилиш мумкин эмас.

Бу тенденцияларнинг асосийси иқтисодиётнинг глобаллашувидир. Хорижда 2-3 минг йилликларда геосийосий ўзгаришларнинг содир бўлишини таҳлил қиларкан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов қуйидагича изоҳ беради. ”стратегик вазифаларни ҳал этиб жаҳон ҳамжамиятида кенг интеграциялашган, замонавий демократик давлат куришни яхши тушунамиз. Чунки жаҳон хўжалиги бугунга келиб кўп қиррали бўлмоқда... XXI аср халқаро муносабларда шак шубҳасиз глобаллашув асри бўлади.”⁵

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларини қуйидагиларда кўриш мумкин: халқаро капитал бозорлари ҳамда инфраструктуранинг ривожланганлигида, глобал телекоммуникатсия системасининг шаклланганлигида, трансмиллий корпорацияларнинг юқори суръатда ўсганлиги, кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқариши, иқтисодий ва инвестицион фаолияти билан боғлиқ бўлган интеграциялашган миллий корпоратив структурасининг ташкил топишини келтириш мумкин.

Шу билан бирга Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ўзгаришларни Жаҳон хўжалигининг трансформацияси билан халқаро рақобатнинг кучайиши, капиталнинг давлатлар ва ҳудудлар орасида эркин ҳаракат қилиши, трансмиллий компаниялар фаолиятини кенгайтириш, халқаро молия – кредит муносабатларни эркинлаштириш ва иқтисодий глобаллашув билан амалга ошади.

⁵ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”- Тошкент “Ўзбекистон”, 1997 – б.288-289.

Бошқа томондан глобаллашув ривожланган мамлакатларни жумладан Марказий Осиё мамлакатларини ҳам Жаҳон хўжалиги алоқаларига киришга бир қатор муаммоларни ҳам туғдиради. Бу муаммолар – миллий иқтисодиётнинг ташқи таъсиридан ҳимояланмаганлиги, мамлакатларни хорижий бозорларга чиқишдаги қийинчиликлар, ташқи транспорт ва инфор­мацион алоқаларни ривожланмаганлиги ҳамда уларнинг халқаро тизимлардан узоқда жойлашганлиги, асосий экспорт товарларига Жаҳон нархларининг ўзгариб туриши, глобаллашув хўжалиги фаолиятининг Марказий Осиёда атроф муҳит ва энергетика ҳолатини салбий оқибатларга олиб келиши билан чамбарчаси боғлиқдир.

Иқтисодиётда глобаллашув тушунчаси эркин савдо, эркин капитал оқими, ишлаб чиқариш корхонлари даромад солиғининг пасайтирилиши, меҳнат ва табиий ресурслар харажатини камай­тириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларининг давлатлараро эркин кўчиши каби асосий хусусиятларни ўз ичига қамраб олсада, куйидаги хусусиятларни ҳам қамраб олган:

Ривожланган давлатлардаги каби ривожланаётган давлатларда узлуксиз иш ҳақи, нарх ва ишлаб чиқариш даромадларининг бир бирига тенглашиши⁶;

Ишчи кучини камай­тириш ва радикал реструк­тизация қилиш мақсадида мамлакат ичида ва транс­миллий доирада компаниялар сонининг ор­тиши;

Интернет тармоғи орқали молиявий ахборотларнинг бутун жаҳон бўйича тез тарқалиши ва ишлаб чиқариш корхоналарининг очиклиги;

Молиявий биржаларнинг аҳамияти ор­тиши;

Товарлар рекламасининг кўпайиши;

Маҳсулотнинг миллийлик хусусиятлари йўқолиб бориши;

Трансмиллий компанияларнинг сони ва аҳамияти ор­тиши.

⁶ Коротаяев А. В., Халтурина Д. А. Современные тенденции мирового развития. М.: Либроком, 2009

Иқтисодиётнинг глобаллашувида пировард мақсад барча давлатларда муттасил иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини ошишини таъминлашдан иборат. Глобал режаларнинг юзага келиш тамойили сифатида эса глобаллашув халқаро иқтисодий алоқалар борасида янги қулайлик ва имкониятлар яратиш билан бир қаторда турли-туман таҳдид ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, глобал боғлиқлик тамойиллари кучайган сайин жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишидаги номутаносиблик тобора ошиб бормоқда. Ривожланган мамакатар ва ривожланаётган давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққий этиш кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут янада ортиб бормоқда. Ривожланган давлатлар экспорти жаҳон экспортининг қарийб 60%ни ташкил этмоқда. Ривожланаётган давлатлар ўз экспорт товарларининг 70%ни ривожланган давлатлага сотади. Уя мамлакат, яъни АҚШ, Япония ва Германияда жаҳон аҳолисининг 9% яшайди, улар ҳиссаига эса дунё даромадининг ярми, харидорлик қувватининг 30% тўғри келмоқда⁷. Жаҳондаги “катта еттилик” мамлакатлари (АҚШ, Канада, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия) ҳиссасига ялпи экспорт ва импортнинг қарийб ярми тўғри келмоқда.

Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши интенсификацияси турли-туман йўналишар, мезонлар бўйича хилма-хил тарзда намоён бўлмоқда. Масалан, иқтисодий тизимларнинг тавсифланишида қўлланиладиган “миллий бозор моделлари”ни олиб кўрайлик. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда Германия белгилаган бозор модели Япония, Жанубий Корея ёки Хитойдаги бозор моделларидан тамомила фарқланади. Бозор иқтисодиёти институтларининг барпо этишда умумий ўхшашликлар бўлсада, уларни шакллантириш ёндашуви ва йўллари турлича бўлиб келмоқда.

⁷ Международные экономические отношения: Учебник для вузов / В.Е.Рыбалкин, Ю.А.Щербанин, Л.В.Балдин и др. Под ред. проф. В.Е.Рыбалкин-5-е изд., перераб. и доп. –М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2005. 165-бет.

Учинчидан, эркин иқтисодиётни барпо этишда хўжалик юритишнинг жаҳон қоидаларини унификациялашга уринилмоқда, лекин бунда халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқмоқда. Чунки, ҳар бир давлат иқтисодиётини тартибга солиш, уни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос восита ва услубларни қўлламоқда.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги, қолаверса, товар ва хизматлар рекламасининг мазмуни, йўналиши, тарғиб қилиш усул ва услублари жамиятдаги умумий эътиборга эрилган меъёрларга жавоб беришга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш ва улар бўйича назорат тизимини такомиллаштириш зарур.

1.2 Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизлик ва унинг моҳияти

Иқтисодий хавфсизлик ғоялари ва у билан боғлиқ бўлган «иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси мамлакатимизга республикамиз мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг кириб кела бошлади. Мустақилликдан аввал бундай тушунчалар мутахассисларнинг тор доирасигагина маълум эди. Собиқ Иттифоқ даврида ушбу масалага бағишланган иккита китоб биринчи марта («Хорижий адабиётларда иқтисодий хавфсизлик масалалари» ва «Халқаро иқтисодий хавфсизлик») 1988 йилда босилиб чиққан эди. 90 — йилларда иқтисодчиларнинг мақолаларида ва оммавий ахборот воситаларида «иқтисодий хавфсизлик» ибораси қўлланила бошланди.

Россиянинг иқтисодий хавфсизлиги муаммолари бўйича биринчи мақолалар «О вопросах экономики» журналарида босилиб чиқа бошлади. Масаланинг назарий томонлари Л.Абалкин, А.Архипов каби таниқли россиялик иқтисодчи олимлари мақолаларида кенг

ёритиб берилди. Кейинчалик россиялик бошқа йирик иқтисодчилар ҳам ушбу муаммони ўрганиш бўйича мунозараларга кўшилдилар. 1997 йилда Е.А.Олейниковнинг таҳрири остида «Основы экономической безопасности. (Государство, регион, предприятие, личность), В.С.Загашвилининг «Экономическая безопасность России» деб номланган китоблари Россияда нашр этилди. Уларда муаммонинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Иқтисодий хавфсизлик масаласи назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди.

Республикада кейинги йилларда иқтисодий хавфсизлик масалаларига бағишланган монография, ўқув қўлланмалари чоп этила бошланди. Масалан, проф. А.Ишмухамедовнинг «Иқтисодий хавфсизлик» ўқув қўлланмаси, А.Исаходжаев ва А.Расулевларнинг «Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик» монографиялари. Бундан ташқари ушбу масалага бағишланган докторлик ва номзодлик диссертациялари тайёрланди ва ҳимоя қилинди. Муаммо магистрлик диссертацияси даражасида ҳам ўрганилмоқди. Масалан, Ж.Ортиқовнинг «Узбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида иқтисодий хавфсизлик масалалари» мавзусида тайёрланган магистрлик диссертацияси.

Демак, айтиш мумкинки, «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси ўзбек иқтисодиётини бошқарув органларининг лексикасида янгидир. Айни пайтда ушбу ибора хорижий мамлакатлар бошқарув тизимлари фаолиятида яхши таниш бўлган тушунчадир. Иқтисодий хавфсизлик давлатнинг миллий хавфсизлигини асосий ташкил этувчиларидан биридир ва мамлакатнинг иқтисодий эҳтиёжлари кафолатланиши ва уни таъминлашнинг йўллари, воситалари ва усулларига асос солувчи қарашларнинг йиғиндисидир. Концептуал кўринишда у давлатнинг иқтисодий потенциалининг ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий хавфнинг асосий омилларини таҳлиliga асосланган. Давлатнинг

хавфсизлиги кучсиз ва самарасиз иқтисодиётда таъминланиши мумкин эмас, айниқса глобаллашув жараёнидаги ижтимоий низоларга тўла жамиятда, чунки ҳаммаси ўзаро боғланган ва бири иккинчисини тўлдиради.

Иқтисодий хавфсизликни асосида ривожланиш ва ривожланишни барқарорлигига ўхшаш бўлган муҳит ташкил этувчилари ётади — бу материал, иншоотнинг, уни янги сифат ҳолатига, яъни таркиб ёки тузум ўзгаришига келтирадиган, зарур бўлган йўналтирилган қонуний ўзгаришидир. Ривожланишсиз иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Барқарорлик — бу жамиятнинг фавқулодаги ҳолатларда ҳам ўз манфаатларини қониктириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти.

Асосий иқтисодий хавфсизлик таҳдидлари-мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи жараён бўлиб, малакат, жамият ва шахс иқтисодий манфаатларини чегаралайди.

Биринчи марта иқтисодий хавфсизлик термини ресурсларни чегараланганлиги тўғрисидаги савол кескин тургани билан боғлиқ бўлган ҳолда пайдо бўлган бўлса, глобаллашув шароитида унинг субъектлари ортиб, уни туркумлашни тақазо этмоқда. Иқтисодиёт субъектлари нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;
- корхонанинг(фирма) иқтисодий хавфсизлиги;
- давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги.



Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги унинг ҳаётий манфаатларининг, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ва меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқланганини ифодалайди. Бунда шахснинг бозор иқтисодиётида истеъмолчи ва ишчи, хизматчи, тадбиркор сифатидаги ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг, манфаатларининг ҳимоялангани, кафолатлангани нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизликни икки турга ажратиш мумкин.

Корхоналарнинг(фирма) иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилганда уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, савдо-тижорат ҳамда

нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари сифатида фаолият юритиши нуқтаи назаридан туркумлаш мақсадга мувофиқ. Корхонанинг(фирма) ихтисослигига кўра хавфсизлигини таъминлаш хусусиятлари ҳам турлича бўлиши табиийдир.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг мамлакат ички муаммолари ва ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда халқаро молиявий ташкилот ва уюшмаларда иштирок этиш билан боғлиқ хавф-хатарлар нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисмига кирганлиги учун миллий хавфсизликнинг ташкил этилиши ва шаклланиши билан боғлиқ масалалар билан кўриб чиқилиши лозим. Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ва унинг моддий асоси ҳисобланади. Шунинг учун, иқтисодий хавфсизлик мамлакат миллий хавфсизлик генезиси ва шаклланишига доир масалалар каторида ўрганилиб чиқилиши даркор. Адабиётимизда иқтисодий хавфсизлик асосий парадигмасини куйидаги элементлар ташкил этади:

- Халқаро муносабатлар тузумига ўтиш яъни ишчи кучи концепциясидан манфаатлар концепциясига қараб;
- Иқтисодий хавфсизликнинг бир бирига қарши типдаги ғоялар ва тузулмалардан халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро муносабатларга асосланган модел томон ҳаракатланиши;
- Ҳудуд дахлсизлигини таъминлаш принципига қўшимча қилиб минтақа, корхона, оила ва шахс иқтисодий хавфсизлиги принципини киритиш;
- Иқтисодий соҳадаги таҳдидлар комплекс хусусиятга эга бўлиб, аввало, ЯИМнинг сезиларли даражада қисқариши, инвестицион ва инновацион фаолият ҳамда илмий-техникавий салоҳиятнинг пасайиши, қишлоқ хўжалиги секторидаги инқироз, ёқилғи хомашёси ва энергетик компонентларни экспорти суръатининг ошиши, импортда эса бирламчи ва истеъмол молларининг ўсиши кузатилади.

Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятида эса қуйидаги масалалар муҳим ўрин тутди:

- Миллий иқтисодиётнинг халқаро интеграциялашувига қулай шароит ташкил этиш;
- Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари сотиш бозорларининг кенгайтиши;
- МДҲ давлатлари билан ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш;
- Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Барқарор кредит-молиявий сиёсатини ташкил этиш, бошқа давлатлардан ташқи кредит олишни камайтириш орқали уларга боғланиб қолишни олдини олиш;
- Чет эл банклари, суғурта ва инвестицион компанияларни бошқаришда давлатнинг ролини ошириш.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

- Халқаро (глобал ва минтақавий)
- Миллий
- Локал (минтақавий ёки мамлакат ичидаги тармоқлар)
- Хусусий (корхоналар ва шахс).

Халқаро иқтисодий хавфсизлик— шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий–иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босим учрамаслиги, бошқаларни ишига аралашмаслиги, ўзароманфаатли ва ўзаромувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги.

Халқаро иқтисодий хавфсизлик тараққиёт моделларнинг боғланиб қолишини, шунингдек, ҳар бир халқнинг ўз йўлини танлашда ҳуқуқини тан олиш, манфаатлари ҳурмат қилиниши орқали иқтисодий ва сиёсий қарамликни рад этади.

Ташқи қарз-кредит олиш орқали мамлакатнинг бюджет харажатларини молиявий қоплаш натижасида шакилланадиган мамлакатнинг қарз суммаси. Ташқи қарз мамлакатнинг иқтисодиёти учун оғир юк бўлиб, иқтисодий конъюнктурасининг ёмонлашувига олиб келади. Бироқ, ташқи қарз иқтисодиётнинг ўсиши учун рағбат вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бу билан бирга мамлакатнинг реал имкониятларини ҳисобга олмай, ҳаддан ташқари олинган ташқи қарзлар малакатни инқирозга ва суверенитетининг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалиётда деярли барча мамлакатлар ташқи молиялаштириш манбаларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар, акс ҳолда уларнинг кўпчилигида ички капитал қўйилмаларини қўйиш, ижтимоий иқтисодий ислоҳатларни ўтказиш, ташқи қарзлар мажбуриятини бажариш учун бюджет тақчиллиги-ю, ички ресурслар танқислигига учрайди.

Яна бир иқтисодий хавфсизликка таҳдид соладиган омил бу иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари очиклиги. Иқтисодиёт очиклиги-жаҳон хўжалиги алоқалар ва халқаро меҳнат тақсимотида максимал қатнашишга кўзланган иқтисодий системадир. У бошқа давлатлар иқтисодиётига боғлиқ бўлмаган автаркия иқтисодий тузумга қаршидир. Шунинг учун, иқтисодиёт очиклиги нормал ҳолат ва объектив заруриятдир. Бироқ, малакатнинг ишлаб чиқарувчи, молиявий, банк тизими ва пул айланиши каби стратегик соҳаларни ҳимояланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш лозим.

Иқтисодий хавфсизлик турларининг моҳиятини вужудга келиш сабабларини ўрганиш, миллий манфаатларга таҳдидларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва улардан муҳофазаланиш чора-тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда вужудга келтиришга имкон беради. Бунинг учун ушбу хавф-хатарларни ва хавфсизлик даражасини аниқлаш, уларнинг кўрсаткич мезонларини ўрганишга зарурат туғилади.

1.3 Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизлик

Ташқи иқтисодий хавфсизлик—шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий–иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босимга учрамаслиги, бошқаларни ишига аралашмаслиги, ўзароманфаатли ва ўзаромувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги.

Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қуйидагилар тақоза этилади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этиб, миллий ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратиш;

Иккинчидан, жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий нохуш ходисалар салбий оқибатларининг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришга эришиш. Алоҳида таъкидлаш жоизки, очиқ иқтисодиёт шароитида ташқи таҳдидлар таъсирини бутунлай йўқ қилиш, унга барҳам бериш мумкин эмас.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

1)Экспорт таркибидаги хом ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

2)мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ипортига қарамлиги;

3)экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг очиклиги;

4)рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланганлиги ва импорт таркибининг рационал эмаслиги;

б)экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривож топмаганлиги;

7) Илмий салоҳият оқими;

8)Капитал оқими;

9)Ташқи қарзларнинг ўсиши;

10)Тижорат ва истеъмол моллари бўйича импорт қарамликнинг ортиши;

11)Иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари очиқлиги;

12)Миллий товарларни ички ва ташқи бозорлардан сиқиб чиқариш мақсадида чет эл капиталларини жалб қилиш.

Экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ўта хавфли ҳисобланади.

Бундан ташқари, бозорларда савдо қилиш ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан эмбарго киритилиши ҳам иқтисодиётнинг ривожига хавф туғдиради. Шунингдек, бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамликка, боғлиқликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатишдан фойдаланишлари мумкин.

Миллий иқтисодиёт учун унинг экспорти таркибида икки-уч хил товарнинг устувор ўринни эгаллаши, хатто экспорт ҳажмининг яримидан кўпини ташкил этиши ўта хавфли ҳолатларни туғдириши мумкин. Кўпгина ривожланаётган мамлактлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортнинг бундай таркиби бундай таркиби жаҳон бозори конъюктураси ёмонлашган шароитда, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иқтисодиёт ҳалокатига олиб келиши мумкин.

Мамлакат экспорт қилаётган хом ашё ресурсларининг жаҳон бозоридаги нархларнинг тушиб кетиши оқибатида унинг ташқи савдо

айланмаси пасайиб кетади. Натижада, валюта тушуми камаяди ва бу ҳол мамлакат учун зарур инвестиция лойиҳаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳатто миллий валюта қадрининг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, хом ашё ишлаб чиқарувчи миллий корхоналарнинг иқтисодий-молиявий аҳволи ёмонлашади. Уларнинг баъзилари хонавайрон бўлади, кўпчилиги эса ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур бўлади. Оқибатда, иш билан банд ходимлар сони қисқариб, ишсизлар сони ошади. Давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратилган маблағ кўпайиб, ижтимоий муаммолар ҳам бирмунча кескинлашади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари секинлашади ёки турғунликка, тангликка юз тутади.

Очиқ иқтисодиётга ўтиш ўта даражадаги протекционизмдан воз кечишни тақазо этади. Аммо мамлакатни жаҳон хўжалигига кириб бориши нуқтаи назаридан истиқболли бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришарни ҳимоя қилиш, яъни селектив протекционизм зарурдир. Бу даврда иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан ватанимизда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш бозорларини, импорт хом ашё ва саноат маҳсулотлари манбаларини диверсификациялаш, кўплаб мамлакатлар билан ёмонлашган муносабатлар ўрнига бошқа мамлакатлар билан бўладиган илиқ муносабатлар ривожлантирилади.

Иқтисодиёт чуқур кризисга учраган ва капитал маблағларни унга жалб қилиш кескин камайиб кетаётган шароитда хорижий инвестициялар баъзи соҳаларда иқтисодий ўсиш катализатори бўлиши мумкин. Бу эса иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамашга имкон беради. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизми хорижий ҳамкорарнинг молиявий ва моддий ресурсларини миллий иқтисодиётга реал киритишга ундаши лозим. Улар томонидан моддий бойликларни арзон нархларда кўлаб сотиб олишга йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай қилиб, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб қилиш чораларини кўриш билан

бир қаторда, бу жараёнларни тартибга солиш ҳам даркор. Бунда миллий манфаатларга риоя қилган ҳолда, хорижий компанияларнинг минимал маблағлари эвазига бутун бир тармоқлар устидан ўз назоратини ўрнатишларига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Бутун дунёда миллий валюта қадри мамлакт иқтисодий аҳволининг индикатори ҳисобланади. Мамлакатдан молиявий маблағларнинг катта миқдорларда чиқиб кетиши, яъни “капиталнинг қочиши” миллий иқтисодий хавфсизликка жиддий таҳдиддир. Маблағларнинг четга чиқиб кетишининг легал, яъни очикдан-очик йўли тижорат банклари томонидан хорижий банклар ҳисоби счетларига катта миқдордаги маблағларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Маблағларнинг четга чиқиб кетишининг ноқонуний, яъни яширин йўлларга эса қуйидагилар киради:

-экспорт маҳсулот нархининг пасайтириб, импортда ошириб кўрсатиш. Бунда фиктив ва ҳақиқий нарх ўртасидаги фарқ хорижий компания

лар томонидан ватанимиздаги ишбилармоннинг хорижий банкдаги счетига ўтказилади;

-импорт учун “аванс” ўтказилади, аммо импорт содир бўлмайди ва ҳ.к.

Мамлактнинг нафақат иқтисодий, шунингдек, сиёсий аҳволига ҳам жиддий хавф туғдирувчи таҳдидлардан бир ташқи қарз муаммосидир. Ташқи қарзнинг юқори даражадалигининг ўзиёқ ташқи сиёсат юритишни шубҳа остига қўяди. Мамлакат қарз берган йирик кредитор мамлактларга қарам бўлиб қолади. Ташқи қарзларни тўлаш учун мамлакт қарзлардан кредитларни белгиланган муддатларда тўлашни кафолатлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиришда фойдаланиши ҳамда янги объектларни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, глобаллашув шароитида давлат иқтисодий манфаат ва хавфсизликка таҳдидни аниқлаб, уларнинг олдини олиш учун иқтисодий сиёсат, мақсад ва стратегияларини ишлаб чиқариши нақадар муҳим масалардан бир эканлиги.

2 боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳолати

2.1 Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг қонуний асослари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан, ички бозорнинг ташқи бозор билан ўзаро ҳамкорлиги учун сифат жиҳатдан янги негизлар ишлаб чиқиш шакллантириш туб бозор ўзгартиришларини амалга ошириш изчил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг янги ташқи иқтисодий фаолиятини ва уни рўёбга чиқариш механизмини ишлаб чиқишни талаб этди. Бозор муносабатларига ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ўз ишларини бажара олиши учун шароитлар яратиб берилмоқда. Бу борада президентимиз : «... корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир»⁸ деганлар. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб бораётган бир пайтда, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб борар экан, барча соҳаларда ислохотлар ўтказилмоқда, хусусан, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдони эркинлаштириш, шунингдек бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хорижий

⁸ И.А. Каримов « Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Ўзбекистон. Тошкент 2009 й,

инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилиш бозор муносабатларини ривожлантиришда ва самарали иқтисодий сиёсатни олиб боришда муҳим роль ўйнайди.

Бу борада иқтисодиёт тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини оширишда экспорт таркибини диверсификация қилиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок республикаимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари : Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқро молия корпорацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма–босқич ўтиб бориши шароитида барча соҳалар қатори ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам ислохотлар ўтказилмоқда, жумладан мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини эркинлаштириш билан бирга, бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт таркибини диверсификация қилиш долзарб масалалардандир. Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминловчи қонунларлар қуйидаги принципларни тан олиш орқали янги қонунлар ишлаб чиқарилади:

- ✓ Эркин иқтисодий тараққиёт йўлини танлаш;

- ✓ Ўз мамлакатининг иқтисодий салоҳияти ва табиий ресурслари устидан суверинитети;
- ✓ Эркин иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ривожланиш ва бошқа давлатлараро тинч муносабатларни ўрнатишга қаратилган ўзароманфаатли ҳамкорлик;
- ✓ Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий прогресс мақсадидаги халқаро ҳамкорлик;
- ✓ Жаҳон ҳамжамиятидаги кам ривожланган мамлактларга нисбатан имтиёзлар бериш;
- ✓ Куч ва таҳдид ишлатмаган ҳолда иқтисодий низоларни тинч йўл билан тартибга солиш;

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолияти давлат ташқи сиёсатининг таркибий қисми сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланган ҳолда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳаларини ривожлантиришга қартилган Ўзбекистоннинг ҳуқуқий база хусусида алоҳида тўхталиш ўринлидир. 90-йиллар охирларида бошланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш олдига янги талабларни қўя бошлади. Маълумки, Ўзбекистонда 1991 йилга қадар Ташқи савдо вазирлиги мавжуд бўлмаган ва бевосита импорт операциялар марказлашган тарзда собиқ иттифок Ташқи Савдо вазирлиги ва Центросоюз томонидан амалга оширилган. Собиқ иттифокдаги мавжуд нархлар тизими, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосан хомашё ва аграр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги натижасида кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳатто

кундалик истеъмол моллари бўйича марказдан таъминлаш, қарамлик мавжуд эди.

Шунинг учун мустақилликнинг илк даврида, молия, пул, кредит операциялари бўйича марказга боғлиқлик, ташқи савдога кўмак берувчи инфратузилманинг деярли йўқлиги (божхона, суғурта, транспорт, сертификация хизматлари ва ҳ.к.), малакали мутахассислар ва амалий кўникманинг етишмаслиги шароитида, мустақил давлатнинг тез орадаги ўз ташқи савдо алоқаларини шакллантириши ва жадал суръатлар билан ривожлантириши ўта мушкул эди.

Мамлакатимиз ҳукумати мустақиллик босқичидаги ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни кенг кўламда ва халқимиз учун манфаатли йўналшда ривожланишга алоҳида эътибор қаратади. 1991 йил “Ўзинторг” давлат ташқи савдо компанияси, сўнгра 1992 йил Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, унинг таркибида ташқи савдо компаниялар ташкил этилди. Божхона органлари шакллантирилиб, божхона хизмати ташкил этилди. Мамлакат истеъмол бозоридаги тақчилликка барҳам бериш, иқтисодий инқирозга йўл қўймаслик ва бозор муносабатларига асосланган мустақил иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган импорт сиёсати амалга оширилди.

Даставвал кундалик истеъмол моллари: ун, шакар, ўсимлик ёғи, кир ювиш воситалари, ёқилғи-мойлаш материалларига бўлган талабни қондириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз миллий валютасини муомалага киритмасдан аввал (1994 йил 1 июлга қадар) ташқи савдо операцияларини кенг кўламда амалга ошириш имконияти йўқ эди.

1991-1994 йиллар мобайнида Ўзбекистон импорт сиёсатида товар ва кредитлар асосида аҳоли кундалик ҳаёти учун зарур бўлган истеъмол моллари харид этиш ва саноат тармоқларини ёқилғи, хомашё, бутловчи

қисмлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

1994-1996 йиллар мобайнида Ўзбекистон экспорт ва импорт операцияларини кенг кўламда амалга ошириш хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қонунлар, меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди. Хўжалик юритувчи барча субъектларни ташқи савдо операцияларида иштирок этиши учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. 1995-1996 йиллар мобайнида жорий операциялар бўйича валюта алаштириш ва ўзаро тўловлардаги чекловлар бекор қилинди, вексел тизими жорий этилди. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 апрелдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишдаги кўшимча чора-тадбирлар” ҳамда 1995 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш” тўғрисида фармонлар қабул қилинди.

1996 йилда Ўзбекистон ташқи савдо обороти қарийб 9,2 минг АҚШ доллари ҳажмида қайд этилди. Лекин хусусий тадбиркорлик доирасида ташқи савдо операцияларини уюштиришда жиддий камчиликлар учрай бошлади. Саноат ва аграр соҳаларда иқтисодий ўсиш суръатлари бирмунча юқори бўлсада, экспорт салоҳиятини яқин келажакда юксалтириш, уни деверсификациялаш, ташқи қарздорликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш зарурати туғилди.

Шу туфайли 1996 йилда импорт операцияларини тартибга солиш учун ҳуқуқий база такомиллаштирилди, импорт божхона режимини шакллантиришда иқтисодий ўсиш ва иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар иқтисодий ривожланишида мутаносибликни таъминлаш қаратилган ташкилий, иқтисодий тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишда қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Божхона Кодекси”, “Божхона тарифи тўғрисида”, “Божхона

хизмати тўғрисида”, “Солиқ кодекси”, “Эркин иқтисодий зоналар”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Марказий Банк, Молия Вазирлиги, Божхона ва Солиқ қўмитаси, Адлия вазирликлар импорт операциялари билан боғлиқ жараёнларни тартибга солувчи Қоида ва Низомларни ишлаб чиқдилар.

Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб этиш ва кўнгилли экспорт-импорт режимини жорий этиш бўйича йилдан йилга қатор имтиёзлар берилмоқда. 1994 йил 1 мартдан бошлаб экспорт лицензияси олиниши лозим бўлган товарлар номенклатураси миқдори 74 тадан 26 тага туширилди. Ундан сўнг 2 йил мобайнида лицензия талаб этиладиган товарлар номенклатураси 26 тадан 11 тага ва кейинчалик 4 тага туширилди. Шу тариқа 1997 йил охиридан бошлаб экспорт учун лицензия талаб этиладиган товарлар сони 4 тани ташкил эта бошлади.

Инвестиция фаолиятини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат ва куйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ Қонунлар ва мамлакат Президенти фармонлари;
- ❖ Республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари;
- ❖ Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари;
- ❖ Ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар;
- ❖ Вазирлик ва идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказо;
- ❖ Ҳудудий бўғинлар ва хўжалик субъектлари доирасида амал қиладиган низомлар ва уставлар.

Инвестиция фаолиятига оид асосий ҳужжатлар: “Инвестиция фаолияти тўғрисида” (1998 й.); “Хорижий инвестициялар тўғрисида” (1998 й.);

“Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида” (1998 й.); “Тадбиркорлик тўғрисида” (1991 й.); “Гаров тўғрисида” (1992 й.); “Лизинг тўғрисида”ги қонунлар ва ҳоказолар.⁹

Агар қонунларда у ёки бу турдаги фаолият юриштишнинг умумий тамойиллари, шартлари ва шакллари белгиланса, турли фаолият турлари ҳуқуқий асосларининг кейинги аниқлаштирилиши, чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши Президент фармонлари, республика ҳукуматининг қарорлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишга йуналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 22 мартдаги РҒ-3594-сонли фармонига мувофиқ қуйидаги мезонларга жавоб берувчи чет эл, шўъба ва қўшма корхоналар чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари қаторига кириши белгилаб қўйилди: устав жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган корхоналар; корхона иштирокчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси ҳисобланган; корхонанинг устав фаолиятида ўз ишлаб чиқариши ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сервис хизмат ҳиссасига ҳўжалик фаолиятидан тушумлар умумий ҳажмининг 60% дан кўпроғи тўғри келадиган корхоналар.

⁹ Академик С.С.Фулумов “Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт”//”Konsauditinform-nashr”-Т:2006,312-бет.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни руйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади.

Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этишлари зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиш;
- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа туловларни амалга ошириши;
- Инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза хулосаларини олиши;

Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Барпо этилаётган корхоналар устав сармоясига хорижий инвесторларнинг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ҳодимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон асосида Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқари савдо уйлар, савдо ваколатхоналар, шўъба корхоналар, фирма дўконлари, диллерлар тармоқлари ва консигнация омборларини очиш тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилинди.

Миллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортига кўмак бериш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Вазирлар маҳкасининг 1998 йил 21 апрелдаги “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлар асосида экспорт юкларини ташишда ва суғурталашда халқаро ҳуқуқий нормаларга мос бўлган Инкотермос-2000 қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланди. Экспорт кўмак кўрсатувчи инфратузилманинг шаклланиши ва ривожланиши учун пухта замин яратилди.

2000 йилнинг май ойида Олий Мажлис томонидан “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда бу соҳада қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усуллари устуворлиги методологик тамойил сифатида аниқ белгиланади ва давлат органларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига аралашуви ман этилади.

Янги таҳрирдаги Қонун моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришлар, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазифалари

ҳамда бошқа таҳририй тузатишлар ва қўшимчалар эвазига янгиланади. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Амалиётда мазкур қонундан фойдаланишни соддалаштириш мақсадида ундаги асосий атамалар ва тушунчалархалқаро ҳуқуқда эътироф этилган атамаларга мослаштирилди.

Янги таҳрирдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунга эркинлаштириш талабларига мос янги қоидалар киритилди. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ахборотларга эга бўлиш, хорижий жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида корхоналар очиш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиш талаби чиқариб ташланди. Бундан ташқари, мазкур Қонунда Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг асосий ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган қуйидаги: “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар тўғрисида”ги (1996 йил 30 ноябрь), “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1997 йил 26 июнь), “Товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1997 йил 10 октябрь), “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган рағбатлантириш ва имтиёзлар тўғрисида”ги Фармонига

қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги (1998 йил 27 март), “Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (5 май 2000 йил), “Нефть ва газни қидириб топиш ва қазиб олишда тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (28 апрель 2000 йил) Фармонлари эътиборга лойиқдир.

Хорижий инвестицияларнинг ортиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистоннинг ташқи савдо оборотида ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу, албатта, яратилган кўнгилли ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларнинг муайян мақсадларга йўналтирилганлиги, очиқ иқтисодиёт сари оғишмай йўл тутаётганлигидан далолатдир. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолият”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар бевосита қулай ва кўнгилли инвестицион муҳитни шакллантириш, миллий корхоналар экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида экспортга йўналтирилган бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, жаҳон товар ва хизматлар бозори талабларига тез мослаша оладиган эпчил ва мослашувчан корхоналарни вужудга келтириш, институтчионал ўзгаришларни амалга ошириш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ягона электрон информацион тизим жорий этилиб, ушбу операциялар мониторингида Божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ҳозирги кунда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Марказий банк ва бошқа ушбу

жараёнга алоқадор ташкилотларнинг маъсуляти янада оширилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдаги ортиқча расмиятчилик ва маъмуриятчиликларга барҳам бериш чоралари белгиланди. Жумладан, “Импорт контрактларини ҳисобга олиш ва ташқи савдо операциялари божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”да импорт битимларини банкларда 7 иш куни мобайнида белгиланган схема асосида ҳисобга олиниши учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, ташқи савдо операциялари бўйича тузиладиган битимлар (контрактлар) бандаларининг мазмуни қай даражада аниқ бўлиши, импорт товарларининг халқаро, миллий стандартлаш тизимига мос ягона электрон информацион тизими (ТСО-ЯЭИТ)га киритилиши лозим бўлган маълумотлар, реквизитлар аниқ белгилаб берилди.

Умуман олганда, мазкур Қарор асосида Ўзбекистон экспорт-импорт операциялари мониторингини замонавий ахборот технологиялари асосида олиб бориш, уларда ҳисоб-китоб жараёнларини назорат қилиш имкони яратилди. Бу эса, экспорт-импорт операцияларни самарали ташкил этишнинг аниқ ҳисобини йўлга қўйиш ва камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1995-2006 йиллар мобайнида импорт операцияларини тартибга солиш, тегишли ташкилий, иқтисодий йўналишдаги ўзгаришларни киритишга оид 50дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат Божхона Қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган Низом ва меъёрий қоидалар қабул қилинган. Унинг аксарияти бевосита импорт операцияларининг йўналиши, мазмунига алоқадор бўлмаса-да, билвосита инвестицияларни жалб этиш, валюта ва тўлов интизомини такомиллаштириш, божхона назоратива ҳисобини самарали ташкил этиш ва бошқа йўналишларга оид ҳужжатлар ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, йилдан йилга ташқи савдо операциялари, хусусан, импорт операцияларини эркинлаштириш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар кўрилмақда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябдаги 3327-сонли “Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида импорт операцияларини рўйхатга олиш бекор қилинди. Фақатгина давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати берилган кредитлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган ёки ўз валюта ресурслари етмаган ташкилотларнинг ташкилотларнинг импорт контрактларига рўйхатдан ўтказилади.

Мазкур чора-тадбирлар импорт операцияларини амалга оширишда нафақат харидор ва сотувчи ташкилотлар, балки уларга хизмат кўрсатаётган барча банк муассасалари, транспорт ташкилотлари, божхона органларининг манфаатларига ҳам мос келиб, ушбу жараёндаги ортиқча расмиятчилик ва маъмуриятчиликларга барҳам берган ҳолда, импорт операцияларидаги тўловлар, божхона назорати ва истёъмолчига етиб боргунга қадар бўлган барча тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлайди.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда импорт операциялари бир қатор тадбирларни, жумладан, инвестицияларни жалб этиш, ўзаро тўловлар, хизмат кўрсатиш, интеллектуал мулк ҳимояси, иқтисодий хавфсизлик, ички бозор ҳимояси, истёъмолчи ҳуқуқи ҳимоясига тааллуқли масалаларни ҳал этишни талаб этмоқда. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги 3151-сонли “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони

асосида Ўзбекистонда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташкил этилди.

Ушбу вазирликнинг ташкил топиши республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида самарали ташқи иқтисодий сиёсатнинг амалга ошириш, экспорт-импорт операцияларини жаҳон андазалари ва кўп томонлама белгиланган битимлар талабларига яқинлаштириш имконини беради. Ушбу Фармоннинг 3-бандига асосан ихтисослаштирилган ташқи савдо кампаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари ушбу вазирлик зиммасига юклатилган.

Умуман олганда, мазкур вазирликнинг ташкил топишини кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, таркибий ўзгаришлар, ташқи иқтисодий алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш шароитида муҳим ва ўз вақтида белгиланган ташкилий ва маъмурий ислохот деб баҳолаш мумкин.

2006 йил бошида Ўзбекистон дунёнинг 40 давлати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни, 35 давлат билан эса сармоя киритишни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги келишувларни имзолади. Бу ўринда ҳам ҳуқуқий-шартномавий базани шакллантиришда сонга эмас, сифатга қаратилди, яъни ҳар бир келишув Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан ва шерик давлатнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тайёрланди.

Узоқ муддатли, барқарор ва умум тан олинган тамойиллар асосига қурилган ўзаро хўжалик ҳамкорлигини таъминловчи Европа Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш орқали ўз стратегик манфаатларига эришиш мақсадида, Ўзбекистон икки томонлама шартномалардан ташқари “Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги келишув доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги умумий келишувни ҳам имзолаган ва у 1998 йил июнида кучга кирган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, 2005 йил октябрь ойида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириш, ҳамжамият миқёсида эркин савдо ва божхона ҳудудини шакллантириш, интеграцион жараёнларни янада чуқурлаштиришга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши, ҳамжамиятга аъзо мамлактлар билан мувофиқлаштирилган ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳаларини ривожлантириш зарурати юзага келди.

Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш чоралар дастури доирасида амалга оширган тадбирларимиз қаторида ташқи иқтисодий фаолиятга қаратилган масалалар алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг ўзида экспорт-импорт борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони¹⁰ ва 2та қарори¹¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2та¹² қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори¹³ қабул қилинди. Бу норматив ҳужжатларда экспорт-импорт борасидаги қабул қилинган фармон ва қонунларга баъзи ўзгартиришлар киритиш, айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ва 2009 йилда маҳсулот экспортини

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

2009 йил 21 декабрь, ПФ 4158 сон.

¹¹ Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2009 йил 5 август, ПҚ 1169 сон; 2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2009 йил 8 апрель, ПҚ 10932.

¹² Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, 2009 йил 12 август 230 сон; Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2009 йил 8 июнь, 156 сон.

¹³ Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида, 2009 йил 20 июнь, 1948-1-сон.

рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларни ўз ичига қамраб олган. – айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш шулар жумласидандир.

Бунинг натижасида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги чоралар қабул қилинди:

- 1) 2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни ҳисобдан ўчириш;
- 2) Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини 30 кундан 20 кунга қисқартириш;
- 3) Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари муддатини 2012 йилгача узайтириш;
- 4) Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни 30 кундан 60 кунгача узайтириш.

2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналар қўллаб-қувватланиб, уларнинг барқарор фаолияти таъминланди. Қолаверса, жаҳон молиявий-

иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

2.2 Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омиллар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузаларидаги ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш, экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, молия-банк барқарорлиги ҳамда мамлакат рақобатбардошлигининг ошишини таъминлаш каби ташқи иқтисодий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида экспорт-импорт ва инвестиция сиёсат борасидаги ташқи иқтисодий хавфсизлик муҳим ўрин тутди.

Экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакатлар олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Хусусан, ташқи савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишига қуйидагича таъсир кўрсатади :

Миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига бархам беради;

Миллий хўжаликларда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллашади : омавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имконият юзага келади ускуналарнинг юкланганлик даражаси ошади;

Экспорт хажмининг ортиши янги иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлади;

Жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди.


Глобаллашув шароитида халқаро тажриба шуни кўрсатдики, қайси мамлакат экспортида хомашё маҳсулотлари етакчи бўлса, бу мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки жаҳон бозорида хомашё нархлари беқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Қолаверса, олтин, мис ва энергия манбалари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради. Гарчи Ўзбекистонда мавжуд олтин ва мис захиралари ҳозирги ишлаб чиқариш ҳажми сақланиб турган шароитда 50-60 йилга етсада, уларни улуши экспортда ошиб бориши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби ҳам сўнги йилларда сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. Диаграмма маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз экспорти таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2000 йилдаги 27.5 фоиздан 2009 йилда 8.6 фоизга тушди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида энергетика маҳсулотлари нархи ошиб бориши кузатилмоқда. Жаҳон Савдо ташқилотининг маълумотида кўра 2008

йилда гарчи шу йилнинг сўнги чорагида тушиш кузатилган бўлсада, умумий ҳисобда ўртача 40% га ўсган.

2.2.1-расм



Экспорт товар таркиби ўзгариши динамикаси¹⁴ (% ҳисобида)

2000 йилда энергетика маҳсулотларининг улуши 10,3% бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 34,2% га етди. Бу эса экспортдан тушадиган валюта тушуми ортишига ва ривожланган давлатлардан замонавий технологиялар сотиб олишга имкон беради. Шунингдек, ташқи тўловлар балансини яхшиланишига олиб келади.

Экспорт товар таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ортиб бориши Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланганлигини ва экспорт таркибида тайёр товарлар улуши ортиб бораётганини билдиради. 2000 йилда экспортда бу соҳанинг улуши 5% бўлган бўлса, 2007йилда бу кўрсаткич 7% гача кўтарилди. 2009 йилда эса 6% ни ташқил қилди.

¹⁴ Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010 йилги ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган.-348-б.

Кимё маҳсулотлари ва пластмассалар улуши ҳам экспорт товар таркибида ортиб бораётир. 2000 йилда унинг экспортдаги салмоғи 2,9% бўлган бўлса, 2009 йилга келиб 5,6% ни ташқил қилди.

Қора ва рангли металллар улуши эса камайиб борди ва 2000 йилда 6,6% бўлган бўлса, 2009 йилда 5% бўлди.

Ўзбекистон экспортида янги вужудга келган соҳалардан бири бу машина ва ускуналар бўлиб, унинг экспорт таркибидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. 2000 йилда унинг экспортдаги улуши 3,4% тенг бўлса, 2006 йилда 10% ва 2007 йилда 10,3% га қадар ўсди. Аммо, 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий инқироз давлатларни харид қобилиятини тушиб кетишига, бу эса айниқса машина ва ускуналарга бўлган талабни қисқаришига олиб келди ва бу секторга салбий таъсирини кўрсатди. Натижада эса бу товарларнинг экспортдаги улуши 2008 йилда 7,5% ва 2009 йилда 2,9% га тушиб қолди.

Шу билан бир қаторда экспорт хажми ҳам ортиб борди. 2000 йилда экспорт хажми 3,2 млрд доллар бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 11,7 млрд долларга етди. Бу эса 2000 йилга нисбатан 3,6 марта кўп демакдир.

Ҳалигача хомашё маҳсулотлари сезиларли ўринга эга. Бундай ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хомашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотга нисбатан кўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқатлар, машина ва асбоб-ускуналар, шунингдек, бошқа тайёр маҳсулотлари экспортини ошириш орқали

мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин. Шунингдек, жаҳон хомашё бозори конъюктураси, тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқли ўлароқ, беқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишида хорижий инвестициялар ўрни каттадир. Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, қайта ишловчи тармоқлардаги аксарият саноат корхоналарининг техник ва технологик қолоқлигини енгиш; саноат соҳасида моддий ва энергетик ресурслар сарфини қисқартириш мақсадида моддий-хомашё ресурсларидан комплекс ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш; маҳсулотнинг юқори технологик турлари улушини сезиларли кўпайтириш ва саноат ишлаб чиқаришнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш учун зарур.

Иқтисодий ўсишнинг максимал суръатларини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг мавжуд ресурс салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланиш янги иқтисодий тармоқ тузилмасини шакллантиришнинг бош мезони бўлмоғи лозим. Ўзбекистоннинг олдинги йилларда тўплаган ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва кадрлар салоҳиятини ҳисобга олиб, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар етарлича тўлиқ шаклланган кўп тармоқли хўжалик мажмуасини яратишга йўналтирилиши, бундай мажмуаларнинг мақсади эса ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулот турларига ички талабни қондириш билан бирга, истиқболли ва рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга бўйсундирилиши керак.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган давлатнинг таркибий-инвестиция дастурлари қуйидаги йўналишларга қаратилиши талаб қилинади:

- Ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш ва уни таркибий қайта қуришга кўмаклашиш;
- Саноатнинг қайта ишловчи сектори рақобатбардошлигини ошириш;

- Мамлакатнинг хўжалик комплексини модернизациялаш ва қайта куруллантириш учун етарли даражада унинг техник базасини ташкил қилувчи тармоқлар қувватини ошириш ва унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини янгилаш;
- Аграр сектор ва унга боғлиқ тармоқлар (қайта ишловчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш.

Сўнгги йилларда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди.

2.2.1-жадвал¹⁵. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибининг ўзгариши (2007-2009 й.й)

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	Ҳажми млрд.сўм	Йиллик ўзг.%	Ҳажми млрд.сўм	Йиллик ўзг.%	Ҳажми млрд.сўм	Йиллик ўзг.%
Асосий капиталга инвестициялар	5903,5	125,8	9555,9	134,1	12531,9	124,8
Марказлашган инвестициялар	1043,7	100,5	1890,1	149,8	2517,9	124,4
- бюджет маблағлари	473,4	97,8	816,6	142,7	1019,5	113,5
- нобюджет фондлари маблағлари	338,7	107,4	585,9	143,1	927,8	147,5
- хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитлар	231,6	96,8	487,6	174,1	570,6	114,8
Марказлашмаган инвестициялар	4859,8	133,1	7665,8	130,7	10014,0	125,0
- корхоналар маблағлари	2699,7	119,4	3940,3	120,7	4550,0	103,2
- аҳоли маблағлари	643,8	110,9	834,6	109,0	1325,0	130,5
- тўғридан-тўғри	1216,1	194,5	2376,3	161,6	3487,5	166,9

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси // Йиллик ҳисобот//2007-2009 й.й.

хорижий инвестиция ва кредитлар						
- тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	300,2	157,2	514,6	141,8	651,5	129,9


Жадвалдан кўринадикки, 2009 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажми 2008 йилга нисбатан 124,8 фоизга ўсган. Шу жумладан, марказлашган инвестициялар ҳажми 124,4%га, марказлашмаган инвестициялар 125% га ўсган. Ўсиш суръатларини инвестицияларнинг таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқилса, энг юқори кўрсаткич бевосита хорижий инвестиция маблағларига тўғри келиб, уларнинг ҳажми 166,9%га ошиб, инвестициялар таркибидаги улуши ўтган йилдаги 24,86% дан 27,82% га қадар кўтарилган. Давлат кафолати асосидаги хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 114,8%га ўсиб, унинг инвестициялар таркибидаги улуши 5,1%дан 4,55%га пасайди.

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Чет эл инвестициялари, ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсати Республиканинг устувор иқтисодиёти шаклланаётган амалдаги тизими сифатида жавоб беради.

Яратилган қулай инвестиция муҳити натижасида кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Давлат инвестиция дастурлари доирасида хорижий сармояларни жалб этиш динамикаси (2007-2009 й.й.)



Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция(ТТХИ)ларнинг салмоғи анчайин ошмоқда. 2008 йилда мамлакатимизга кириб келган хорижий инвестициялар миқдори 2863,9 млрд.сўм (қарийб 1млрд.700 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этган бўлса, жаҳон молиявий инқирозига қарамай, ўтган йилда жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди. Энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ўсди. Жорий йилда хорижий инвестициялар ҳажми, 99 та лойиҳа бўйича 2,985 млрд. АҚШ долларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шундан, давлат кафолати асосида умумий ҳажми 555,2 млн. АҚШ доллар бўлган 37 та лойиҳа ва умумий ҳажми 2,429 млрд. АҚШ долларини ташкил этувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида 62 та лойиҳа ўрин олган. Киритилаётган

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси // Йиллик ҳисобот//2007-2009 й.й.

инвестицияларнинг катта улушини Хитойнинг CNPC, Россиянинг “Лукойл” ва “Газпром”, Малайзиянинг Petronas, Словениянинг Sinecta, Канаданинг Lavalin компанияларининг инвестициялари ташкил этиши кутилмоқда.¹⁷

Хорижий инвестицияларнинг тўғри йўналишларда кириб келишида, «лойиҳа молиялаштиришни» йўлга қуйишда, лойиҳаларни таҳлил қилишда умумиқтисодий изланишларни олиб бориш, таваккалчиликни баҳолаш, ижобий ҳал қилиш ва ўлчаш ҳамда молиявий ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Давлат инвестиция сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни кўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда, бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

¹⁷ http://www.mfer.uz/hukumat_portali

3 Боб. Жаҳон молиявий инқирозининг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

3.1 Жаҳон молиявий инқирозининг оқибатларини енгишга қаратилган “20 Гуруҳ”нинг фаолияти

“20 Гуруҳи” фаолиятининг янги босқичи бошланади. Бу жаҳон иқтисодиётидаги янги тенденциялар ва “йигирматалик”нинг халқаро иқтисодий ҳамкорликдаги ўрнини ошриш билан боғлиқдир. Саммит 24-25 сентябрь 2009 йил АҚШнинг Питтсбург шаҳрида бўлиб ўтди ва бу ерда “20 Гуруҳ”нинг давлат раҳбарлари иштирок этишди. Саммит инқирознинг олдини олиши ва иқтисодиётнинг тикланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳали яқунланмаганлиги, лекин, инқирозга қарши чора-тадбирлар иқтисодий фаолиятнинг кескин тушишини тўхтатишга ва молиявий бозорларни барқарорлашувига ҳамда инқироздан жаҳон иқтисодиётининг соғломлаштириш босқичига ўтишида ёрдам берди. 1930 йилдан бошлаб глобал ишлаб чиқариш қисқариши, савдо ҳажми кескин тушиши ва ишсизлик даражаси кўтарилган бир пайтда “Йигирматалик” двалатларининг Лондон шаҳрида 2009 йил апрель ойида бўлиб ўтган эди. Шунда “Йигирматалик” мамлакатлари иқтисодий ўсиш, молиявий тизимни қайта тиклаш ва глобал миқёсдаги капитал ҳаракатини қўллаб-қувватлашни таъминлаш билан боғлиқ барча зарур чораларни амалга ошришни келишиб олишди. Жаҳон молиявий инқирозига қарши умумий чора-тадбирлар “20 Гуруҳ” томонидан Вашингтон (ноябрь 2008 йил) ва Лондон (апрель 2009 йил) саммитларида маъқулланди. Питтсбургда бўлиб ўтган саммитда давлат раҳбарлари томонидан “20 Гуруҳ” формати халқаро иқтисодий ҳамкорлик учун муҳим форум эканлигини расман эълон қилишди.

“20 Гуруҳ” нинг ишлаб чиққан аввалги инқирозга қарши чора-тадбирлари

маълум натижаларни берди: глобал иқтисодий фаолиятнинг кескин тушиш олди олинди ва молиявий бозорларнинг барқарорлиги бошланди. Бироқ, иқтисодий ўсиш фақатгина бошланғич босқичда бўлиб, давлатнинг инқирозга қарши чора-тадбирларини бирданига буриш ҳали эртадир. Кўпгина мамлакатларда ишсизлар сони юқори даражада эканлиги қайд этилган.

“20 Гуруҳ” томонидан қилинган баённоманинг хулосасида фаол чоралар қатъий ЯИМ билан бирга бандликнинг ўсиши қайта тикланмагунича давом эттириш лозимлиги белгиланди. Шунинг учун, инқирозга қарши исталган иқтисодиётни рағбатлантирувчи чораларни амалга оширишни барвақт тамомлашдан қочиш даркор. Шу билан бирга инқирозга қарши чораларни тўхтатишга қаратилган “чиқиш стратегияси” ва унинг аниқ вақтини ҳам қўйиш вазифаси қўйилган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида аниқ чоралар “20 Гуруҳ” давлат раҳбарлари томонидан хулоса сифатида қўйилди. Буларга қуйидагилар киради:

Аниқ, қатъий ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган биргаликда олиб борадиган чоралар, сиёсат ва келишувларни қабул қилиш;

Иш ўринларини ташкил этишга олиб борувчи барқарор иқтисодий тикланиш яратиш лозим;

Давлатдан хусусий талаб манбаларига ўтиш, барча мамлакатлар учун ривожланишдаги дисбалансини йўқотишга қаратилган қатъийроқ ва барқарор моделини барпо этиш масаласи ҳам турибди.

Қашшоқ қатлам молия, озиқ-овқат ҳамда ёқилғи ашёсига бўлган имкониятини кенгайтириш. Мамлакт ривожланганлик даражасидаги сезиларли фарқларни бартараф қилиш чоралари иқтисодий ўсишнинг кучли двигатели бўлиши мумкинлиги саммит давомида эътироф этилди.

Жаҳон банкига паст даромадли давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган

соғломлаштириш фондини ташкил қилиш таклифлари берилди. “20 Гурух” далатлари ихтиёрий равишда ночор қатламни экологик тоза энергия билан таъминайдиган дастурини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашишга келишилди.

Қашшоқ қатламни қўллаб қувватлаш билан бирга, босқичма-босқич самарасиз табиий ёқилғи ашёси турига бўлган субсидияларни қисқартириш лозим.

Очиқликни сақлаб қолган ҳолда, барқарор ўсишга ўтиш. Протекционизм сиёсати билан қарши курашиш, қолаверса 2010 йилда ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) доирасидаги Дохий раунд музокаралари мувоффақиятли тугаганлиги қайд этилди.

Питтсбургда “20 Гурух” давлат раҳбарлари кейинги учрашувини июнь 2010 йил Канада ва шу йилнинг ноябрь ойида Жанубий Кореада учрашишни келишиб олишди. Бу каби кейинги учрашувлар йилда бир марта ўтказилиди (2011 йил Францияда).

Қатъий ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида. Қисқа муддат ичида иқтисодий ўсиш ҳали кузатилмаётганлиги учун иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи дастурлар ижроси давом эттириш лозимлиги келишувда белгиланди. Шунингдек, ҳаддан ташқари молиявий секторга кўмаклашишни тўхтатишга қаратилган транспарент жараённи ишлаб чиқишдир.

Инқироз ва дастлабки инқирозга қарши чоралар иқтисодий ўсиш суръати ва моделини сезиларли ўзгартирди. Аммо, кўплаб мамлактлар ички талабни ошириш мақсадида муҳим тадбирлар амалга оширишди. Натижада, диспропорцияни қисқартириш ва глобал иқтисоди фаолиятни кенгайтиришга олиб келди.

Ички талабни кўпайтириш имконини берадиган структуравий ислохотлар, барқарор талабни шакллантиришда кўмаклашадиган макроиқтисодий сиёсат иқтисодий ўсишга хизмат қилиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди. Бозор

иқтисодиётига ўтувчи ва ривожланган мамлакатларда турмуш даражасининг ошиши жаҳон иқтисодиётининг қатъий ўсишининг дастлабки шarti ҳисобланади.

Келишилган дастур доирасида “20 Гуруҳ” давлат раҳбарлари аниқ, қатъий ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида қуйдагиларга келишиб олишди:

Умумий стратегик мақсадларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш;

Жаҳон иқтисодиётининг қатъий ўсиши миллий иқтисодий сиёсатга таъсирини билиш мақсадида ўзаро баҳо беришни ўтказиш;

Ўзаро берилган баҳолар натижасида умумий мақсадларга эришиши чораларини ишлаб чиқиш.

Жаҳон молиявий тизимининг бошқарув ислоҳотлари. “20 Гуруҳ” давлатлари инқирозга қарши вазифаларни ишлаб чиқишди ва ҳозирда рискларни бошқаришни такомиллаштириш, молиявий бозорларнинг транспарентлигини ошириш ва халқаро ҳамкорликни назорат қилувчи органларни кенгайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Молиявий бошқарув ислоҳотлари қуйидаги муҳим соҳаларда амалга ошириляпти:

Юқорисифатли капиталларни кўпайтириш ва даврий тенденцияни енгиб ўтиш бунда 2010 йилнинг охиригача банк капитали ҳажми ошириш ва сифатини кўтаришга, шунингдек, ҳаддан ташқари капитал заёмларни қисқартиришга қаратилган халқаро миқёсдаги бошқарувчи нормативларни яқунлашни ишлаб чиқиш (2012 йилнинг охиригача аста секин жорий қилиш мақсадида)

Молиявий барқарорлик қўллаб-қувватловчи рағбатлантириш ислоҳатини олиб бориш бунда узок муддатли қимматбаҳо қоғозлар ташкил этиш жараёнини мукофотлашишга келишиш ва йиллаб тўприланган кафолатланган бонуслар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳаддан ташқари таваккалчиликга

рад этиш, акция ёки шу каби акция инструментлари шаклидаги фаолият натижасини рағбатлантириш ва рағбатлантириш соҳасида компаниялар зарур транспарентлигини таъминлаш;

Молиявий ташкилотлар тизими соҳасида трансчегаравий масалаларга жавоб топиш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш:

“Йигирматалик” давлат раҳбарлари 2011 йил июнь ойигача халқаро ташкилотларни бухгалтерия ҳисоби бўйича умумий стандарт ишлаб чиқишга ва уни икки баробар мустаҳкамланшга чақирди. Солиқ имтиёзларини қисқартириш масаласи ҳам таъкидлаб ўтилди.

Молиявий тизимни баҳоловчи ва текширувчи инструмент ишлаб чиқиш муҳимдир. Қўшимча капитални жалб қилишга қаратилган имтиёзларни рағбатлантириш, хусусан, банклар жорий даромаднинг катта қисмини капитал ўстириш мақсадида жамғариб боришлари тавсия этилди.

Умумий чора тадбирлар таъсири ва инқироз ХВФ (Халқаро Валюта Фонди)нинг легетимлиги ва самарадорлиги даражаси оширишни тақоза этди. ХВФнинг кредит механизмини ислоҳ этиш, қолаверса, эластик кредит линиялари ташкил этиши лозим. Фонд ўзининг аъзо мамлакатларга ёрдам кўрсатиш салоҳиятини мустаҳкамлаши ва жаҳон иқтисодиёти ва халқаро валюта молиявий тизимга таҳдид солувчи хавфни назорат қилиб бориши лозимлиги айтиб ўтилди.

3.2 Ўзбекистон Республикасининг жаҳон молиявий инқирози оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллари

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлади, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган

хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»¹⁸ деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»¹⁹.

Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айримқўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон

¹⁸Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

¹⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Жумладан, «Татат» компаниясининг бош директори Д.Хаитбоев мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкинлигини билдиради. Аксинча, унинг фикрича, «ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай

мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас»²⁰.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

2009 йил 1 январигача Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгаллигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз

²⁰ Хаитбаев Д. Кризис может иметь свои плюсы // http://www.review.uz/page/article/v_uzbekistane

ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир. Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни а

малга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни

рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

3.2 Ўзбекистон Республикасида 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устувор вазифаларини белгилаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга олиш қанчалик муҳим экани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз «мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»²¹, деб белгилаб бердилар.

Шунингдек, Президентимиз иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий

²¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал

сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашни таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли кўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш уларни барқарор ишлашни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;
- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;
- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали кўллаб-қувватлаш;
- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

Хулоса

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлиги, ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонуний асослари, экспорт ва инвестиция сиёсати, шунингдек, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири ва уни олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омилларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни айтиш мумкин:

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий салоҳияти юқорилиги, унинг табиий ва меҳнат ресурсларига бойлиги, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунлар халқаро принципларни тан олган ҳолда ишлаб чиқилгани, хорижий инвесторларга яратилган шароитлар глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бир даврда Ўзбекистон ташқи иқтисодий хавфсизлиги таъминганлигининг асоси бўлиб хизмат қилди.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, менирал ўғитлар, машина ва ускуналар ва бошқа маҳсулотларнинг нарҳи тушиб кетди. Бу эса ўз навбатида экспартиёрларнинг тушумлари камайишига сабаб бўлди. Давлатимиз томонидан 2009-2012 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурини амалдаги тадбиқи натижасида экспорт ҳажми 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 2,4 %га ўсди ва 2,3 млрд. доллар ижобий сальдога эришилди.

Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузулмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, бунда қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиезли

фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилишимиз даркор. Бу инвестицион жараёни жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиш мумкин.

Республика ташқи иқтисодий хавфсизлигини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатга бардошлилигини таъминлаш;

Экспорт таркибидаги хом ашё товарларининг устуворлиги йўқотилиши;

Мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ипортига қарамлигини бартараф этиш;

Экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмалари ривожлантириш;

Капитал оқимининг олдини олининиши;

Ташқи қарзларнинг салмоғи ортиб кетишидан сақланиш;

Тижорат ва истеъмол моллари бўйича импорт қарамликнинг ортишига чек қўйиш;

Иқтисодиётни ҳаддан ташқари очиқлигига йўл қўймаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси (8 декабрь 1992 йил, 28 декабрь 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири), 2000 йил 26 май
3. Ўзбекистон Республикаси “Бож тўғрисида”ги қонун, 1997 йил 29 август
4. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги қонуни, 1998 йил 30 апрель
5. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қонуни, 1998 йил 30 апрель
6. Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 1998 йил 24 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармойишлари:

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005 йилдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи, 2005. 12 апрел.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги» Қарори.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил. 10-12 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 июлдаги «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. // Халқ сўзи, 2007. 24 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. // Халқ сўзи, 1998. 1 апрель.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-йил 1 майдаги 74-сонли “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

12. Каримов И.А., “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Тошкент-2009
13. Каримов И.А., “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби” номли 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи” 2009 йил 14 феврал сони.
14. Каримов И.А., “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: “Ўзбекистон”, 1995
15. Каримов И.А., “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1998

Дарсликлар.

16. Ишмухаммедов А.Э. “Иқтисодий хавфсизлик” (Ўқув қўлланма)—Т.:ТДИУ, 2004.
17. Рашидов О.Ю., Карлибаева Р.Х. «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фани (Маърузалар матни)- Тошкент. ТДИУ, 2005.
18. Махмудов Э.Р. Мировая экономика. Учебник. Ташкент. 2006.
19. Ходиев Б., Бекмурадов А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

Илмий монографиялар ва мақолалар

20. Бекмурадов А.Ш., Беркинов Б.Б. Неделькина Н.И. «Привлечение иностранных инвестиций в экономику Узбекистана», Тошкент-2007
21. Московская межбанковская валютная биржа, «Вы и мир инвестиций», 2003
22. Игоница Л.Л. «Инвестиции», Москва, Экономика, 2005
23. Абрамов С.И. Инвестирование. М., 2000 г.
24. Серов В.М. Инвестиционный менеджмент. М., 2000 г.
25. Таранкова Л. Г. “Деньги и кредит”, М., 2009

Ташкилот/муассаса ҳисоботлари

26. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси ахборотлари (Давлат инвестиция дастурлари)
27. World Investment Report. UNCTAD. New York, 2005.
28. World Development Indicators. The World Bank, Washington, 2005, 2008.
29. Лу Брефор, Жаҳон банкининг Тошкентдаги ахборот ресурс маркази раисининг “World crisis: causes, evolution and impact on Uzbekistan ” номли тақдимоти, 31 март, 2009 йил

Интернет сайтлари:

26. www.gov.uz
27. www.press-service.uz
28. www.mfer.uz
29. www.omad.uz
30. www.UzA.Uz
31. www.review.uz
32. www.cer.uz
33. www.uzreport.com
34. www.eurasianews.com
35. www.lex.uz

Иловалар

Модданинг тартиб рақами	Хужжатнинг тури	Хужжатнинг номланиши	Хужжатнинг санаси ва тартиб рақами
Ташқи иқтисодий фаолият ва божхона			
570	Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан	Об утверждении Перечня оборудования, строительных материалов и мебели, ввезенных генеральным подрядчиком и его субподрядными организациями для реконструкции и оснащения Сингопурского института развития менеджмента в г.Ташкенте	25 декабря 2009 года №330
566	Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан	Об утверждении Перечня оборудования, материалов и запасных частей, импортируемых в рамках реализации инвестиционного проекта “Развитие информационно-коммуникационной структуры АК “Узбектелеком” в сельской местности”, финансируемого за счет средств, предоставляемых Правительством Китайского Народной Республики странам— членам Шанхайского Организации Сотрудничества	21 декабря 2009 года №321
580	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхонаси кўмитасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа ноозик-овқат истеъмол товарлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида	2009 йил 21 декабрь 714-1-сон
546	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхонаси кўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қарори	2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини	2009 йил 14 декабрь 2053-сон

		тасдиқлаш тўғрисида	
442	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида	2009 йил 5 октябрь 268-сон
438	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўзбекистон республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори	«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун божсиз олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида	2009 йил 30 сентябрь 1196-2-сон
428	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори	Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 19 сентябрь 2009-сон
399	Постановление Министерства финансов Республики Узбекистан, Государственного	О внесении изменения в Предельные нормы ввоза товаров физическими лицами на территорию республики узбекистан, не подлежащих обложению акцизным налогом	3 сентября 2009 года №412-2

	таможенного комитета Республики Узбекистан		
396	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Қарори	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2009 йил 30 август 1802-2-сон
390	Постановление Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан, Министерства Финансов Республики Узбекистан Государственного налогового комитета Республики Узбекистан	О внесении изменения в Положение о порядке определения предназначения товаров, перемещаемых физическими лицами через таможенную границу Республики Узбекистан	25 августа 2009 года №1147-4
359	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 3 август ПҚ-1169-сон
318	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида	2009 йил 27 июнь №1853-1-сон

	<p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг қарори</p>		
281	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи</p>	<p>Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида</p>	<p>2009 йил 12 июнь 1968 сон</p>
262	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори</p>	<p>Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида</p>	<p>2009 йил 1 июнь ПҚ 1118 сон</p>
246	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг қарори</p>	<p>Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида</p>	<p>2009 йил 14 май 834-19-сон</p>
240	<p>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо</p>	<p>Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида</p>	<p>2009 йил 8 май 1952 сон</p>

	вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори		
215	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Навоий» эркин индустриал- иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 23 апрель 120 сон
167	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори	Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 30 март 1932 сон
14	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини баргараф этишга доир фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 498-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида	2009 йил 14 январь 11 сон
7	Ўзбекистон	Ўзбекистон Республикаси божхона	2009 йил

	Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг қарори	худудидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида	4 январь 380-1-сон
Экспорт-импорт			
558	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2009 йил 21 декабрь ПФ 4158 сон
363	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 12 август 230 сон
359	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 5 август ПҚ 1169 сон
300	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори	Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	2009 йил 20 июнь 1948-1-сон
271	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 8 июнь 156 сон
182	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 8 апрель ПҚ 10932
Чет эл инвестициялари. Концессия шартномалари. Хориждан маблағ жалб қилиш. Эркин иқтисодий зоналар			
503	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани	Хорижий инвесторларга технологик асбоб ускуналарни етказиб бериш	2009 йил 11 ноябрь 569-1-сон

	бошқариш давлат қўмитасининг қарори	эвазига хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида	
497	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида ўзбекистон республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини комплекс ўзлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 6 ноябрь 292 сон
387	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида	2009 йил 28 август 251 сон
385	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Вазирлар Маҳкамасининг «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида	2009 йил 24 август 249 сон
362	Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан	О мерах по совершенствованию системы привлечения и эффективного использования средств международных финансовых институтов, зарубежных правительственных финансовых организаций и стран-доноров	12 августа 2009 года №229
215	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 23 апрель 120 сон

188	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси худудига кириши, у ерда бўлиши ва ишга ёлганишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 9 апрель 104 сон
189	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 9 апрель 105 сон
175	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида	2009 йил 6 апрель ЎРҚ 205 сон
40	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 27 январь 21 сон